

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**МИРСОЛИЕВА МУХАББАТ ТЎҲТАСИНОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 –Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of science (DSc)  
on pedagogical science**

**Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна**

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий  
компетентлигини ривожлантириш механизмларини  
такомиллаштириш.....

3

**Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна**

Совершенствование механизмов развития профессиональной  
компетентности руководящих и педагогических кадров высших  
образовательных учреждений.....

29

**Mirsolieva Muhabbat Tukhtasinovna**

Improving the mechanisms of development of professional  
competence of managers and pedagogical staff of higher education  
institutions.....

57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....

62

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ, БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.Ped.68.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**МИРСОЛИЕВА МУХАББАТ ТЎҲТАСИНОВНА**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.07 –Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Ped9 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий-кенгаш веб-саҳифасида ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ва «ziyonet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мусурманова Айниса**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Исмадияров Яшин Уткирович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Олимов Қаҳрамон Танзилович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Бош илмий-методик марказ хузуридаги DSc.30.05.2018.Ped.68.01 рақами Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-йй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site:[www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz); E-mail:avloniy@xtv.uz.)

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-йй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_рақами реестр баённомаси).

**Н.Х.Рахманқулова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Д. М. Маматқулов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори(PhD)

**Э.Р.Юзликаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ва ракоатбардошлигини таъминлаш замонавий тенденциялардан бири ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган «Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)» ҳамда «Европа олий таълим макони» (ЕНЕА) концепциялари мазмунидаги «кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning) моделини жорий этиш, таълимни инсонпарварлаштириш асосида касбий малакаларни узлуксиз ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бу эса касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг хорижий илғор тизимларини бошқарув ва таълим жараёнига интеграциялашувини таъминлади.

Дунё таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларнинг универсал компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш, замонавий сифат менежменти тамойиллари асосида корпоратив таълим ва коучинг хизматларини кенгайтириш, кадрлар инновацион фаоллигини оширишнинг интеллектуал ахборот тизимларини яратиш, Форсайт методологияси асосида замонавий касбий компетенциялар тизимини прогнозлаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотлар стратегияси кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини акмеологик ва компетенциявий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, касбий компетентликни ривожлантиришнинг инновацион фаолиятга йўналтирилган шакл ва методларини модернизациялаш, касбий-педагогик таълим мазмунини индивидуаллаштириш масалаларининг илмий-амалий ечимига қаратилган.

Мамлакатимизда олий таълим сифатини ошириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари билан интеграциялашувини таъминлаш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

бошқарув, педагогик механизмларини касбий таълим сифатини ошириш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон, 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июндаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи<sup>2</sup>.** Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш ва бошқаришга бағишлиланган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, UNESCO; Seoul national University, Korea Advanced Institute of Science & Technology (Жанубий Корея); Shanghai Jiao Tong University (SJTU, Хитой); Московская школа управления «СКОЛКОВО»(Россия); Stanford Universiy (АҚШ); University of Leicester, London Metropolitan University (Англия); University of Peloponnese (Греция)да олиб борилмоқда.

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қуйидаги натижалар олинган: ахборот-коммуникация технологиялари ва медиатаълим асосида раҳбар ва педагог кадрлар таянч ва касбий компетентлигини ривожлантириш концепцияси яратилган (Таълимда

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шархи <http://uil.unesco.org/event/international-consultative-meeting-integrated-governance-lifelong-learning>; <http://dgp.uz/>; <https://www.stanford.edu/>; <https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/kyoto-university>; <https://www.qaa.ac.uk/>; <https://www.bimm.edu.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

ахборот технологиялари бўйича ЮНЕСКО Институти); индивидуал касбий ривожланиш дастурлари асосида масофавий курсларни ташкил этишнинг нейрокогнитив хусусиятларини ташхис этишнинг диагностик аппарати ишлаб чиқилган (Seoul national University, Korea Advanced Institute of Science & Technology); педагог кадрларнинг интеллектуал-коммуникатив компетенцияларини фикрлашнинг илмий ва ижодий йўналганлиги асосида баҳолаш, шунингдек, раҳбар кадрларда информацион менежмент, лойиҳаларни бошқариш, консалтинг хизматларини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилган (Shanghai Jiao Tong University); касбий соҳалар, хусусан менежмент, ижтимоий ва таълим соҳасидаги стратегик ривожланиш прогнози асосида форсайт компетенциялар тизими яратилган (Московская школа управления «СКОЛКОВО»); функционал компетенциялар, касбий фаолият кўрсаткичлари ва корпоратив талабларнинг интеграциясига асосланган компетенциялар бошқарув модели ишлаб чиқилган (Stanford Universiy); таълим сифатини ошириш жараёнларида раҳбар ва педагог кадрларнинг инновацион менежмент ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг таълим ва бизнес интеграциясига асосланган экотизимини шакллантириш методологияси яратилган (University of Leicester, London Metropolitan University); олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг ижтимоий ва бошқарув компетенцияларини комплекс диагностика қилиш ва мониторингини олиб боришнинг ахборотлаштирилган дастурний таъминоти ишлаб чиқилган (University of Peloponnese, Греция).

Дунёда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: касбий компетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизmlарини ялпи сифат менежменти тамоиллари ва инновациялар трансфери асосида такомиллаштириш; кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий педагогик шартшароитларини виртуал тыюторлик ва менторлик дастурлари, аралаш таълим (*blended learning*) модели асосида такомиллаштириш; раҳбар кадрларда лидерлик компетенцияларини ривожлантириш дастурларини индивидуал қобилиятларнинг функционал компетенциялар билан интеграциялашувини таъминлаш асосида ишлаб чиқиш; компетенциялар квалиметрияси орқали касбий ривожланишнинг сунъий интеллект имкониятларига асосланган когнитив моделларини ишлаб чиқиш; раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш ва баҳолашнинг информацион механизmlарини маълумотларни қайта ишлаш тизими (*Big data*) воситасида такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнларини ахборотлаштириш, педагог кадрларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар республикамиз олимлари: Н.Азизходжаева, У.Бегимқулов, Р.Джўраев, Ф.Закирова, Ш.Курбонов, А.Мусурманова, Н.Муслимов, Б.Маъмуроев, Ш.Мардонов, Қ.Олимов,

М.Уразова, Ш.Шарипов, Н.Эгамбердиева, Э.Юзликаева<sup>3</sup>лар томонидан олиб борилган.

Мамлакатимиз олимларидан У.Иноятов, Я.Исмадияров, Ж.Йўлдошев, А.Магрупов, М.Сайдов, С.Турғунов, М.Юлдашев<sup>4</sup>ларнинг илмий ишларида таълим тизими менежменти, олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш, стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини жорий этиш, малака ошириш муассасаларида таълим сифати менежментини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Касбий компетентликни ривожлантириш методологияси, педагогик-психологик жиҳатлари, андрагогик тамойиллари ва технологиялари, акмеологик ёндашувнинг шахс фаолияти ва касбий камолотидаги ўрни, компетенциялар менежменти, шунингдек, касбий ўзини ўзи такомиллаштиришнинг концептуал масалалари МДХ мамлакатлари олимларидан: Т.Базаров, А.Деркач, И.Зимняя, Э.Зеер, Н.Кузьмина, Е.Кудрявцева, А.Маркова, В.Сластенин<sup>5</sup>, хорижлик олимлардан R.Boyatzis, D.Bartram, A.Maslow, J.Rawen, W.Hutmacher<sup>6</sup>лар томонидан ўрганилган.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлсада, бироқ раҳбар кадрларнинг касбий компетентлиги тузилмасини ишлаб чиқиши, таълим соҳаларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда раҳбар ва педагог кадрлар касбий

<sup>3</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиилар ва педагогик маҳорат.-Т: 2003. -104 б.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштириши ташкил этиши ва бошкарни назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ... дисс.-Т.:2007.-305 б.; Джўраев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовке в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дисс...док. пед. наук. -Т.:1995. - 43 с. Закирова Ф.М. Теоретические и практические основы методической подготовки будущих преподавателей информатики в педагогических ВУЗах. Автореф. дисс. ...док.пед.наук. –Ташкент, 2009. – 39 с.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс...док. пед.наук. - Т.:2003. -327 с.; Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. -Т.: Шарқ, 2004. -552 с.; Мусурмонова О. Юкори синф ўқувчилари мънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.ф.д. ... дисс.-Т.: 1993.- 364 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Пед.фан.док...дисс. -Т.: 2007. -315 б.; Маймуролов Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойихалаш кўнимкаларини ривожлантириш тизими. Пед.фан.док....дисс. автореф. –Т.: 2018. - 32 б.; Марданов Ш. Педагог кадрларни таълимий қадриялар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишининг педагогик асослари. Пед.фан.док. ...дисс.- Т.: 2006.-302 б.; Олимов К.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Пед.фан.док. ...дисс. - Т.: 2005. -286 б.; Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойихалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириши. Пед. фан.док....дисс. автореф.-Т.: 2015. 21 б.; Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ...дисс.автореф. - Т.: 2012.- 46 б.; Эгамбердиева Н.М. Маданий инсонпарварлик ёндашуви асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (педагогика олий таълим муассасалари мисолида). Пед.фан.док... дисс.-Т., 2010. -332 б.; Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности. Дис... док. пед. наук. – Т.: 2012. -284 с.

<sup>4</sup> Исмадияров.Я.У. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док. ...дисс. автореф.-Т., 2018. - 32 б.; Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгиланиш йўлида.-Ташкент: Ўқитувчи, 2000.-207 б.; Магрупов. А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док....дисс. автореф. -Т.: 2017. 31 б.; Сайдов М. Олий таълим тизимида молиявий бошкарув.-Т.: 2011. 432 б.; Турғунов. С.Т. Теоретические основы управлеченской деятельности директора средних общеобразовательных учреждений. Автореф.дис. ...докт.пед.наук.-Т.: 2007-43 с.; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширища таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Пед.фан.док....дисс. автореф. -Т., 2016. - 31 б.

5 Базаров Т.Ю., Ермина Б.Е. Управление персоналом. – М.: ЮНИТИ, 2002. 430 с.; Деркач А., Зазыкин В. Акмеология. - СПб.: Питер, 2003. - 256 с.; Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования//Эксперимент и инновации в школе. 2009. №2.; Зеер Э.Ф. Психолого-дидактические конструкты качества професионального образования// Образование и наука. 2002. №2 (14); Кузьмина Н.В. Акмеологическая теория повышения качества подготовки специалистов образования. М.: 2001. ; Кудрявцева Е.И. Компетенция и менеджмент: компетенции в менеджменте, компетенции менеджеров, менеджмент компетенции. Санкт Петербург.: 2012-340 с.; Маркова А. Психология профессионализма. М.: 1996.; Сластенин В.А, Чижакова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. - М.: Владос, 2005.-282 с.; Hutmacher W. Key competencies for Europe//Report of the Symposium Bern, Switzerland 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDC) a Secondary Education for Europe. Strasbourg, 1997.

<sup>6</sup> Ричард Э. Бояцис. Компетентный менеджер: модель для эффективной работы. Нью-Йорк:1982.; D.Bartram. The Great Eight Competencies: A Criterion-Centric Approach to Validation. Article in Journal of Applied Psychology 90(6):1185-203. November 2005.; Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. М.: 2002. (англ.1984).

компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини белгилаш, шунингдек таълим менежменти тамойилларга асосланган ҳолда уларни такомиллаштириш масалалари маҳсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-Ё-14 - қайд рақамли «Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг информацион-методик таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш: акмеологик ёндашув» (2014-2015 йиллар) мавзусидаги ҳамда ЮНЕСКОнинг «Осиёда ўқитувчилар тайёрлаш жараёнида гендер масалаларининг баҳоланиши» (2015-2018 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ОТМ раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларига доир замонавий ёндашувлар, тамойиллар ва етакчи омилларни аниқлаштириш;

таълимни модернизациялаш шароитида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлиги мазмуни ва даражасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

акмеологик ва андрагогик ёндашувлар асосида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштиришни илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг инновацион-интерактив технологияларга асосланган дидактик механизmlарини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш;

раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигининг ривожланганлик даражасини тизимли диагностика қилиш, коррекциялаш методлари ва мониторинг механизmlарини такомиллаштириш;

ОТМ раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмлари мазмуни, тузилмаси, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, тизимли таҳлил, педагогик диагностика, сўровнома, интервью, илмий прогноз, моделлаштириш, импакт мониторинг, педагогик тажриба-синов, математик-статистик ва маълумотларни қайта

ишлаш, интерпретация ҳамда корреляцион таҳлил каби назарий, эмпирик ва квалиметрик методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

ОТМ раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш архитектоникаси акмеологик мезонлар (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик)ни фаолият талаблари ва касбий ривожланиш методологияси билан интегратив уйғуналигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

раҳбар ва педагог кадрларнинг компетенциялар модели ва кластерли тузилмаси таълимни модернизациялаш шароитида уларнинг касбий тайёргарлиги мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари ҳамда корпоратив (таянч) ва метакомпетенциялар тизимини (ижтимоий, когнитив, функционал) интеграциялаш асосида ишлаб чиқилган;

ОТМ раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг импакт мониторинг тизими, таълим дастурларини табақалаштириш ҳамда муқобил малака ошириш шаклларини андрагогик таълим талабларига мувофиқлаштириш асосидаги ташкилий-бошқарув механизmlари аниқланган;

касбий компетентликни ривожлантиришнинг ташкилий-дидактик механизmlари лойиҳавий таълим, аралаш ўқитиши, тьюторлик хизмати ва инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминотни ишлаб чиқиши орқали такомиллаштирилган;

раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигининг квалиметрик механизmlари компетентлик даражасини баҳолашнинг информацион ва аналитик мезонларини интеграл диагностик технологиялар (био портфолио, тест синовлари, «assessment centre») ва индикаторли тузилма билан мақбул уйғуналаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

«Педагогика» ва «Таълим менежменти» таълим соҳалари бўйича олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, уларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқилган;

масофавий таълим усувлари орқали олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган;

«Ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш», «Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат» ва «Раҳбарнинг инновацион фаолияти» номли ўқув-методик қўлланмалар ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режасидаги «Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат» блокининг ахборот-методик таъминоти ҳамда электрон таълим ресурслари яратилган ва амалда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усувлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг

математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим менежменти фани олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг метакомпетентлигини ривожлантириш, импакт мониторингга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, акмеологик ёндашув асосида касбий компетентликни ривожлантириш мазмуни, босқичлари ва динамикасининг аниқланганлиги, шунингдек, андрагогик тамойилларга таянган ҳолда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касбий компетентликни ривожлантириш жараёни тузилмаси, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, касбий компетентликни баҳолашнинг квалиметрик механизмларини такомиллаштирилганлиги, шунингдек, диссертация материаллари асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, бошқарув кадрлари заҳирасини мақсадли тайёрлаш курсларининг ўқув модуллари мазмуни такомиллаштирилганлиги, модернизациялашган ахборот-методик таъминоти ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

касбий компетентликни ривожлантириш мазмуни ва механизмларини такомиллаштиришда акмеологик мезонлар (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик)нинг фаолият талаблари ва касбий ривожланиш методологияси билан интегратив уйғунлигини таъминлаш тузилмаси ИТД-1-Ё-14 - қайд рақамли «Олий таълим муассасалари педагог кадрлари касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг информацион-методик таъминотини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиши: акмеологик ёндашув» лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Касбий компетентликни ривожлантиришнинг мазкур тузилмаси олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг қўп босқичли узлуксиз малака ошириш тизими ташкилий механизмларини ишлаб чиқишида қўлланилган;

раҳбар ва педагог кадрларнинг корпоратив (таянч) ва метакомпетенциялар (ижтимоий, когнитив, функционал) тизими интеграциясига асосланган компетенциялар моделидан «Педагогика» таълим соҳаси ва «Таълим менежменти» йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

мазмуни, уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468 - сон маълумотномаси). Мазкур модельнинг жорий этилиши олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг компетентли ёндашув асосидаги замонавий дидактик таъминотини ишлаб чиқиш имконини берган;

олий таълим муассасалари раҳбар кадрларида креативлик, инновацион компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иловаси «Йўл харитаси»нинг 34-бандига киритилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Натижада раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш курслари ўқув режаларига инновацион компетентликни ривожлантириш, таълимдаги инновацион жараёнларни бошқаришга қаратилган модуллар киритилган, таълим дастурлари ва ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида ўқитиши шакллари ва услубларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш механизmlари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон Қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисида Низом» мазмунига киритилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Натижада раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини баҳолашнинг ассесмент технологиялари, интеграллашган кейслар базаси, оммавий очиқ онлайн курсларнинг замонавий методологияси яратилган, малака ошириш курсларининг масофавий таълим технологиялар асосидаги ташкилий-дидактик механизmlари такомиллаштирилган;

ОТМ раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларининг интеграл мониторингини олиб бориш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларидаги ўқитиши сифатини назорат қилиш механизmlари олий таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2016 йил 15 августдаги 343-сон буйруғи билан жорий этилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 октябрдаги 89-03-3468-сон маълумотномаси). Натижада қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиши сифати даражасини миллий ва халқаро стандартларга мослигини таъминлашга хизмат қилувчи ички ва ташқи назорат механизmlари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 11 та, хорижий журналларда 1 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 225 сахифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Рахбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари» деб номланган биринчи бобида тадқиқот муаммосига доир илмий-назарий адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари, концептуал ёндашувлари, таълимни модернизациялаш шароитида уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қўйилаётган замонавий талаблар таҳлил этилган, касбий компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи андрагогик, метакогнитив ва акмеологик омилларнинг фаолият талаблари билан ўзаро интегратив алоқадорлиги ёритилган.

Халқаро тажрибалар таҳлилидан маълумки, мамлакатнинг Глобал инновацион индекс рейтингидаги ўрни фан, ихтиорилич ва технологиялар трансферини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш, инсон капитали ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи-назардан, бугунги кунда миллий ва халқаро майдонда олий таълимни халқаролаштириш, глобаллашуви асосида таълим сифатини ошириш, кадрлар компетентлигини ривожлантириш ва бошқаришнинг замонавий экотизимларини яратиш, таълим хизматларини диверсификациялаш, раҳбар ва педагог кадрларнинг инновацион ва тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш, уларда меҳнат бозоридаги ўзгарувчан тенденцияларга тезкор мослашиш имконини берувчи метакомпетенциялар (soft skills)ни қарор топтириш инновацион иқтисодиёт («innovation-driven economy»)нинг стратегик йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Назарий манбалар мазмунни билан танишиш шуни кўрсатдики, касбий компетентлик ва уни ривожлантириш муаммоси қўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида турли йўналишларда ўрганилган. Аксарият педагогик-психологик адабиётларда касбий компетентлик шахснинг ижтимоий-касбий йўналганлиги асосида шаклланадиган, касбий вазифаларнинг самарали ечимини таъминлашга хизмат қилувчи касбий тайёргарликнинг амалий фаолиятда намоён бўлиши сифатида изоҳланади. Шу билан бирга, касбий компетентлик мутахассис касбий тайёргарлик даражасининг фаолият талабларига мослиги ва лаёқатлилиги сифатида ҳам қайд этилади. Бу меҳнат бозорининг замонавий мутахассисларга бўлган талаблари, интегратив касбий-шахсий сифатлар мажмуаси ҳамда компетенцияларга йўналтирилган касбий фаолият мазмунни орқали ифодаланади. Шунга кўра, касбий компетентликни докторат категория сифатида эмас, аксинча мутахассиснинг касбий фаолияти ва ҳаёти давомида доимий ривожланиш динамикасини талаб қиладиган тизимли жараён сифатида баҳолаш лозим. Бу эса, бизнинг фикримизча, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мазмунни ва тузилмасини таълимни модернизациялаш шароитидаги инновацион талаблар асосида такомиллаштириш мақсадини белгилайди.

Диссертация ишида тадқиқот муаммосининг «касбий компетентлик» ва «касбий компетентликни ривожлантириш» каби асосий тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинди ва муаллифлик талқини нуқтаи назаридан тавсифланди.

Олий таълим муассасаси раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлиги – таълимий, тадқиқотчилик ва бошқарув соҳасида самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларга, шахсий-ижтимоий аҳамиятли сифатларга эга бўлиш, аниқ ва ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиш, ўзини ўзи бошқариш ва ҳар бир хатти-харакати учун масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқ тайёргарлик даражасидир. Раҳбар ва педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш эса индивидуал эҳтиёжлар ва малака талаблари асосида касбий маҳорат даражаси ва сифатини оширишга қаратилган замонавий ёндашувлар, инновацион технологиялар, соҳага оид янги билим, кўникма ва компетенцияларни ўзлаштириш асосидаги интеграциялашган жараён сифатида қаралди.

Тадқиқот давомида касбий компетентликни ривожлантириш мазмунни ва архитектоникаси(мажмуавий тузилма)ни шакллантиришга нисбатан қуйидаги ёндашувлар мавжудлиги аниқланди: блок-даражали ёндашув, яъни касбий компетентлик мазмунини ўқув режасидаги фан блоклари доирасида ўзлаштириладиган ва фаолиятнинг асосий йўналишлари мазмунини ифодаловчи таянч, умумкасбий, маҳсус-предметли компетенциялар тарзида типологиялаш; функционал ёндашув фаолият соҳаси ва лавозим доирасидаги касбий вазифаларни компетенциялар тизими асосида лойиҳалаштириш; мутахассиснинг аниқ меҳнат шароитларига тезкор ва конфликтларсиз мослашишига хизмат қилувчи компетенцияларни ривожлантиришга

йўналтирилган индивидуал-психологик ёндашув. Илмий-педагогик таҳлиллар жараёнида касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари аксарият изланишларда бўлажак мутахассисларни тайёрлаш мисолида ўрганилганлиги аниқланди. Мазкур жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, тадқиқот йўналишини олий таълимдан кейинги босқичда раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва механизмларини тадқиқ этишга қаратдик.

Маълумки, катталар таълимими ташкил этиш ва бошқариш методологияси ўз навбатида мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи етакчи омилларни аниқлаштириб олишни тақозо этади. Тадқиқот натижалари асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик, акмеологик ва метакогнитив омиллари таснифланди.


Андрагогик омиллар ўқув фаолиятида катта ёшли таълим субъективининг билим, кўникмаларни ўзлаштириш жараёни ташкил этиш, ривожлантириш ва бошқариш стратегияларини белгилашда ёш, таълимий эҳтиёжлар доираси ҳамда тажрибадан келиб чиқиб, индивидуал ёндашишини тақозо қиласди. Андрагогик таълим жараёни ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, адаптация - катта ёшли таълим субъективининг жамиятдаги, таълим тизимидағи ўзгаришлар, инновациялар, замонавий педагогик-психологик ёндошувларга мослаштириш; компенсация - таълим олувчининг мавжуд билим, кўникма ва малакалар тизимини янги маълумотлар, тажрибалар билан бойитиш, тўлдириш ҳамда ривожлантирувчи - ижодий ўсиш, шахсий ва касбий компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилади.

Акмеологик омиллар касбий-акмеологик ривожланишни таъминловчи шахсий-касбий етуклик, турли ёш даврларидағи касбий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, рефлексивлиги ва креативлигига доир педагогик шарт-шароитлар ва қонуниятларни белгилайди.

Метакогнитив омиллари мотивацисон, интеллектуал ва эмоционал соҳани касбий ва шахсий ривожлантиришнинг энг юқори имкониятлари билан уйғунлаштириб, контент билимлар, яъни кадрларнинг шахсий имкониятлари, мавжуд тайёргарлик даражаси; жараёнли билимлар-касбий фаолиятнинг мураккаб ва ностандарт вазифаларини ҳал этиш жараёнида ўзлаштириладиган янги билим ва кўникмалар; стратегик билимлар-фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган информацион ва аналитик жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Тадқиқот жараёнида ёш ва иш тажрибасининг ортиши ҳар доим ҳам касбий компетентликнинг ривожланишида динамик ўсиш ва сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришларга олиб келмаслиги, аксинча бу жараёндаги узвийлик, компетенцияларнинг касбий эҳтиёжлар ва соҳага йўналтирилганлиги, акмеологик ёндашув, компетенциялараро интеграция ҳисобига таъминланиши ўз тасдиини топди. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш архитектоникасини акмеологик мезонлар (ёшга оид касбий мотивацисон, таълимий-когнитив фаоллик, шахсий рефлексив сифатлар, ўзини ўзи бошқариш ва касбий-ижодий

ўсиш)нинг фаолият талаблари ва касбий ривожланиш методологияси билан интегратив уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилишини тақозо этиши ҳақидаги хulosага келишимизга имкон берди (1-расм).



## **1-расм. Раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш архитектоникаси.**

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бу етуклик давридаги фаолият субъектларининг билиш ва коммуникатив фаолиятини ташкил этишининг биргаликда ўрганиш, ҳамкорлик ва муроқот муносабатларига асосланган тизими ҳисобланиб, уни ташкил этишда фаолият субъектининг муайян ёш-психофизиологик ҳамда ижтимоий-педагогик ўзига хосликлари, касбий эҳтиёжлари ҳамда йиллар давомида шаклланган мавжуд иш тажрибасини эътиборга олиш мақсадга мувофиқлиги хуносаланди.

Иккинчи боб «Раҳбар ва педагог кадрларнинг қасбий компетентлигини ривожлантириш мазмуни ва тузилмаси» деб номланиб, унда акмеологик ёндашув асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг қасбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини лойиҳалаштириш мазмуни, босқичлари, корпоратив ва метакомпетенциялар интеграциясига асосланган компетенциялар модели ҳамда сифат менежменти тамоилилари асосида раҳбар ва педагог кадрлар қасбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари ва педагогик шарт-шароитлари ёритилган.

Акмеологик ёндашув асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнлари лойихалаштириш уларнинг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, касбий фаолият самарадорлигига таъсир этувчи ўзини ўзи бошқариш,

касбий мотивация, ижодий салоҳиятни рағбатлантириш, шунингдек, шахсий имкониятларидан тўлақонли фойдаланишни таъминлайди. Акмеологик ёндашувда раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ёшга оид қобилият ва имкониятлар даражасини аниқлаш; фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ва натижаларини касбий компетентлик, фаолиятнинг ушбу турига бўлган психологик тайёргарлик билан интеграциялашувини ҳамда унинг натижалари учун ижтимоий жавобгарлик даражасини аниқлаш; рефлексив-инновацион ривожланиш имкониятларини белгилаш; касбий ривожланишнинг муайян даражаси таҳлили асосида шахс имкониятларини янада такомиллаштириш жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ривожлантириш масаласи устун бўлиб келмоқда.

Таҳлиллар асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожланишининг аксиологик-мотивацион, концептуал, технологик, рефлексив ва креатив даражалари аниқланди. Мазкур даража босқичларининг фаолият талаблари билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда мазмунан интеграциясини таъминлаш асосида раҳбар ва педагог кадрларнинг акмеограммаси ишлаб чиқилди. Акмеограмма қадриятга оид кўрсатмалар, ўзини ўзи баҳолаш, таҳлил қилиш, рефлексия, касбий ва ижтимоий ўсиш, касбий маҳоратини такомиллаштириш усуллари, коммуникатив кўникмаларни ташхислаш асосида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш мазмuni ва устувор йўналишларини белгилаш имконини берди.

Касбий компетентликни ривожлантириш мазмунини белгилашда тизимлилик, умумийликдан хусусийликка тамойилига асосланиш, яъни корпоратив-таянч, профил компетенциялар тизимини индивидуал-психологик ёндашувга асосланган метакомпетенциялар билан уйғунлаштиришга бугун алоҳида эҳтиёж туғилмоқда.

Метакомпетенциялар – касбий, ижтимоий ва когнитив компетенциялар интеграцияси асосида шаклланган шахснинг мустақил ўзини ўзи касбий ривожлантириш жараёни самарадорлигини таъминловчи шахсий сифатлар, мотив ва қадриятлар, қобилиятлар йигиндисидир. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг метакомпетентлиги функционал компетентликдан фарқли равишда мустақил ҳаракатланиш ва ўзгарувчан меҳнат шароитларига тезкор мослашиш, ўз билим ҳамда кўникмаларини амалиётга муваффақиятли жорий этиш, инновацион-ижодий ёндашувлар асосида касбий ривожланиш траекториясини янги ривожланиш йўналишлари ва стратегияларини белгилаш, шунингдек акмеологик ривожланиш мотивациясини таъминлаш имконини беради.

Тадқиқот доирасида олиб борилган онлайн сўровлар натижасида олий таълим муассасасининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан таҳлилий-ижодий фикрлаш, муаммо ечимиға қаратилган оптималь қарорлар қабул қилиш, вақт менежменти, ахборотларни интерпретациялаш ва соҳага йўналтириш, лойиҳаларни бошқариш, тармоқлараро коммуникация, тадбиркорлик, мослашувчанлик каби компетенцияларга устуворлик берилганлиги, шу билан бирга, уларнинг аксарияти (57,4%) иш стажидан

қатый назар, ўз касбий билим ва кўникмаларини инновацион талабларга мувофиқ доимий янгилаб боришига эҳтиёж сезиши аниқланди.

Шу жиҳатларни эътиборга олиб, тадқиқотимиз натижалари асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг компетенциялар модели ва унинг кластерли тузилмаси корпоратив, яъни касбий фаолият тури учун умумий аҳамиятли бўлган таянч компетенциялар ва метакасбий компетенциялар тизими интеграцияси асосида ишлаб чиқилди (2-расм).



## **2-расм. Раҳбар ва педагог кадрларнинг компетенциялар модели.**

Компетенциялар модели раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий фаолият доирасидаги аниқ вазифаларни муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган тайёргарлик даражасини таъминловчи компетенциялар туркуми ҳисобланади. Компетенциялар кластери эса мазмун ва моҳият жиҳатидан бири-бирига яқин ва ўзаро алоқадорликдаги компетенциялар тизимини гурухлаштирилган кўринишидан иборат. Айнан раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида моделнинг қўлланилиши кадрлар касбий компетентлигини баҳолаш, ривожлантириш ва бошқариш стратегияларини белгилаш имконини беради.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган компетенциялар моделининг кластерли тузилмаси сифатида ижтимоий-хукукий, шахсий-

рефлексив, коммуникатив (лингвистик), АКТ, тизимли таҳлил каби компетенциялар кластеридан ташкил топган корпоратив(таянч) компетенциялар ҳамда касбий-педагогик, бошқарув кластеридан иборат бўлган метакасбий компетенциялар белгиланди. Шунингдек, уларнинг аниқ фаолият тури талабларидан келиб чиқувчи хусусий индикаторлар тизими ёритилди.

Тадқиқот доирасида сифат менежменти тамойиллари асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш ва бошқариш моделларининг ўзаро фарқли жиҳатлари бенчмаркинг методи асосида таҳлил этилди. Олиб борилган эмпирик ўрганишлар натижасида касбий компетентликни ривожлантиришнинг узлуксиз инновацион-касбий ривожланишга йўналтирилган англо-америка модели; компетенциялар ва эҳтиёжларга йўналтирилган Европа модели; шахсга йўналтирилган Осиё модели, компетенциялар сифатини назорат қилиш ва бошқаришнинг давлат органлари ва ташкилотларининг назорат-инспекция тизими; мустақил сифат назорати, Сифат Агентлиги (QS); жамоатчилик назорати ва бошқаруви (иш берувчилар, ота-оналар, талабалар ва б.) ҳамда бошқа ташкилий тузилмалари («assessment centre»)ни миллий шароитдаги интеграциялашувини таъминлаш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган илмий-педагогик таҳлил ва эмпирик тадқиқот натижасида касбий компетентликни ривожлантиришнинг қуидаги педагогик шарт-шароитлари аниқланди: а) касбий компетентликни ривожлантириш жараёнини ташкилий-бошқарув маданияти призмаси асосида лойиҳалаштириш; б) раҳбар ва педагог кадрлар касбий фаолияти натижалари самарадорлигини аниқлаш ва такомиллаштириш стратегияларини белгилашга йўналтирилган диагностик тизимини такомиллаштириш; в) касбий компетентликнинг мавжуд ривожланиш даражасини малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш ҳамда натижалар интерпретацияси асосида индивидуал касбий эҳтиёжларни аниқлаштириш; г) функционал, тизимли-тузилмавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибаларнинг ўзаро интеграциясига асосланган таълим мазмунини такомиллаштириш; д) таълим хизматларини диверсификациялаш ҳамда соҳага йўналтирилган инновациялар трансферини рағбатлантириш; е) мотивацион ва коррекцион ёндашувлар асосида касбий компетентликни ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурлар ва ресурслар сифатини ошириш, уларнинг мослашувчанлигига алоҳида эътибор қаратиш.

**«Раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш тизими»** деб номланган учинчи бобда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнидаги раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг андрагогик таълим талабларига мувофиқлаштирилган ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш тузилмаси, мазмуни ҳамда амалиётга жорий этишнинг амалий-технологик тизими баён этилган, касбий компетентликни

ривожлантиришнинг инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот доирасида олиб борган изланишларимиз натижалари раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида касбий тайёргарлик мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари, компетенцияларга асосланган таълим дастурлари мазмунни асосидаги касбий ривожлантириш тизими билан амалий таълим муҳити ўртасидаги ўзаро таъсирлашув механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Шунга кўра, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (3-расм) ва амалиётга жорий этилди.

Ишлаб чиқилган мазкур модел олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини касбий фаолият муҳити талаблари ва устувор йўналишлари мазмуни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга қаратилган интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини ифодалайди. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришда қуидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди:


мазмун жиҳатидан раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришга қўйиладиган малака талаблари, таълим дастурларини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосидаги инновацион ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар билан интеграциялашувини таъминлаш;

ташкилий жиҳатдан ўқув жараёнларини андрагогик таълим талаблари асосида лойиҳалаштириш, яъни тингловчиларнинг ижтимоий мавқеи, шахсий ва касбий индивидуаллигини эътиборга олган ҳолда соғлом-ижодий таълим муҳитини яратиш;

методик жиҳатдан андрагогик таълимни ташкил этиш бўйича тренерлик курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнининг интерактив, рефлексив, витаген ва аутентик технологиялари ҳамда масофадан ўқитиши шаклларига асосланган ахборот-методик таъминотни такомиллаштириш, халқаро илмий маълумот базаларидан кенг фойдаланиш; касбий ривожланиш ҳамда индивидуал касбий эҳтиёжларга йўналтирилган ахборотлаштирилган таълим муҳити, очиқ онлайн ресурслар базасини такомиллаштириш.

Ушбу соҳада олиб борган илмий изланишларимиз натижасида таълим менежменти, ижтимоий-гуманитар ва педагогика таълим соҳалари бўйича олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари аниқ фаолият тури талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Шунингдек, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари таълим дастурлари мазмуни ва блок-модулларининг раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришдаги имкониятлари таҳлил этилди ва таълим дастурлари мазмуни таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги, инновацион компетентлик, таълимдаги инновацион жараёнларни

бошқариш, педагогик квалиметрия билан боғлиқ модулларни киритиш орқали такомиллаштирилди.



Тадқиқот доирасида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда андрагогик таълим талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг инновацион шаклларини белгилаш, таълим дастурларини эҳтиёжларга мослашувчанлигини таъминлаш, табақалаштириш, муқобил малака ошириш шаклларини жорий этиш ҳамда

масофавий таълим технологияларига асосланган ўқитиш моделларини татбиқ этиш ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш имкониятини яратиши аниқланди. Табақалаштирилган таълим дастурлари – касбий ривожланиш стратегиялари мазмуни, шакл, метод ва воситаларини раҳбар ва педагог кадрларнинг индивидуал-касбий эҳтиёжлари, мавжуд касбий компетентлик даражасини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ташкил этиш имконини беради. Муқобил малака ошириш шакллари – мустақил малака ошириш шаклларидан фойдаланиб, раҳбар ва педагог кадрларнинг индивидуал касбий маҳорат натижалари тасдифини амалдаги бевосита малака ошириш шаклларига тенглаштирилган шакли саналади. Бундай ёндашув катта ёшли таълим субъектининг когнитив фаоллигини рағбатлантириш ва натижадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Назарий таҳлиллар, онлайн сўровлар ва эмпирик ўрганишлар асосида шакллантирилган хулосалар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган давлат талабларига асосланган ҳолда тадқиқот жараёнида юқорида қайд этилган табақалаштирилган ёндашув асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини ташкил этишнинг ташкилий-дидактик тизими такомиллаштирилди.

Тадқиқот доирасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига анъанавий ва электрон таълим имкониятларининг уйғунлашуви асосидаги аралаш ўқитиш (blended learning) моделини жорий этишнинг ташкилий, педагогик ва технологик механизмлари аниқлаштирилди ва унинг асосида умумтизимий ресурслар мажмуаси, онлайн (LMS) ва оффлайн режимлар асосидаги интерактив-электрон коммуникация, консультатив-тьюторлик хизмати, онлайн назоратлар ва ўзини ўзи баҳолаш (self assessment)дан иборат ахборот-методик таъминоти вақт-контент-натижа бирлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқишига қўйиладиган дидактик талаблар такомиллаштирилди. Мазкур ахборот-методик таъминотнинг ҳар бир элементи вариатив ва динамик характерга эга бўлиб, уларни яратиш ташкилий жиҳатдан ўз ичига турли даражадаги контингентни бирлаштириш, бошқариш, педагогик, интерфейс дизайни, эстетик ҳамда квалиметрик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни талаб қиласи. Шунингдек, аудитория машғулотлари жараёнида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир кейс метод, лойиҳавий таълим, маҳорат дарслари, рефлексив тренинглар, бинар машғулотлар, портфолио, ижодий топшириқлар каби инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминот ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида юқорида келтирилган инновацион методик таъминотнинг амалиётга жорий этилиши раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали дидактик механизми эканлиги ўз тасдифини топди.

Раҳбар ва педагог кадрлар касбий ривожланишини таъминловчи янги таълимий стратегияларни белгилашда компetenциялар квалиметрияси мухим восита бўлиб хизмат қиласи. Компетенциялар квалиметрияси – ўзлаштирилган

касбий билим, кўникма ва малакалар асосида касбий компетентликнинг ривожланганлик даражаси ва сифат самарадорлигини ўлчаш соҳаси ҳисобланади. Тадқиқот доирасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини баҳолашнинг квалиметрик технологияларидан бири сифатида ассесмент тизими жорий этилди. Ассесмент тизими – диагностик методлар (портфолио, касбий вазиятлар таҳлили, репродуктив тестлар, тақдимот, касбий йўналишдаги интервью, сұхбат каби ижодий топшириқлар) мажмуи бўлиб, раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий фаолият доирасидаги ютуқлари ва камчиликларини тизимли ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уларнинг мазкур фаолият соҳасидаги компетентлик даражасини баҳолашга йўналтирилади. Бу жараёнларнинг асосий жиҳати раҳбар ва педагог кадрларнинг таянч касбий билим, кўникма ва малакалари билан бирга, мулоқотчанлиги, креативлиги, стрессларга нисбатан чидамлилиги, жамоада ишлай олиши каби ижтимоий хулқ-атвор (soft skills) яъни метакомпетенцияларни баҳолашга қаратилганлиги ҳамда жараёнлар андрагогик таълим бўйича маҳсус тайёргарликда ўтган эксперт-ассессорлар томонидан психодиагностик тестлар, индивидуал ва грухий топшириқлар, интервью, кейс-стади, ижодий топшириқлар, портфолио, давра столи, SWOT-таҳлил, тақдимотлар каби бир неча диагностик шакл, метод ва воситаларни қўллаш асосида ҳар томонлама ўрганилиши унинг натижаларидаги валидликни таъминлашга ёрдам берди. Тадқиқот натижалари раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларида ҳамкорлик, орттирилган ҳаётий тажрибалардан фойдаланиш, синергетика, индивидуаллик, мослашувчанлик, тизимлилик, интерактивлик, фасилитация каби андрагогик тамоилларга асосланиш лозимлигини кўрсатди.

Тадқиқотлар натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнини тасдиқланган малака талаблари, ўқув режа ва дастурларига мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш; ўқув жараёнининг норматив-хуқуқий ва дидактик таъминотини (малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қаратилган топшириқлар, битирув ишлари, аттестация натижалари)ни тизимли таҳлил этиб бориш; курсларнинг ўқув жараёни ва тингловчиларнинг ўқув фаолияти натижаларининг тизимли мониторингини юритишга йўналтирилган ўқитиш сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш механизmlари таклиф этилди.

Диссертациянинг **«Раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг такомиллашган механизmlари самарадорлик даражаси ва квалиметрияси»** деб номланган тўртинчи бобида раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳолашнинг квалиметрик механизmlари, диагностик тизими, импакт мониторинг, тажриба-синов ишларини ўтказиш ва олинган натижаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари интерпретацияси, касбий компетентликни ривожлантириш механизmlарининг самарадорлигини аниқлаш масалалари баён қилинган.

Педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги унинг маҳсус дастур асосида олиб борилганлиги, ҳудудий танланма назоратнинг қўлланилиши, тегишли шарт-шароитнинг яратилганлиги ҳамда касбий компетентлик даражасини белгиловчи информацион ва аналитик мезонларнинг ишлаб чиқилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлик даражасини баҳолаш мезонлари**


| Мезонлар    | Кўрсаткичлар   | Интеграл диагностик технологиялар  |
|-------------|--|--|
| Информацион | Бошқарув ва педагогик фаолият соҳаси норматив-хуқуқий хужжатларини билиш, ижтимоий фаоллик (К-1)             | Тест, эссе, лойиҳа ишлари, ассесмент топшириқлари, тренинглар                                |
|             | Касбий-бошқарув фаолиятига оид ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, саралаш ва соҳага йўналтириш (К-2) | Ассесмент топшириқлари, очиқ дарслар таҳлили асосидаги эксперталар баҳоси, синергетик таҳлил |
|             | Бошқарув ва касбий вазифаларни ҳал этишда АҚ ва ПТ фойдаланиш (К-3)  | Тест, ижодий топшириқлар, очиқ дарслар таҳлили асосидаги эксперталар баҳоси, тренинглар      |
|             | Соҳага йўналтирилган хорижий тил кўнималарининг ривожланганлиги (К-4)  | Коммуникатив методлар, аутентик таҳлил   |
| Аналитик    | Касбий-бошқарувга доир вазифаларни тизимли таҳлил этиш асосида қарорлар қабул қилиш (К-5)                    | Вазиятли топшириқлар, интервью, кейс таҳлил, қарорлар шажараси                               |
|             | Профил компетенцияларнинг ривожланганлиги, менежерлик кўнималарига эгалик (К-6)                              | Рефлексив технологиялар, тренинглар, SWOT таҳлил, лойиҳа иши тақдимоти, акмеограмма          |
|             | Ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш, публикацион фаоллик (К-7)  | Электрон портфолио натижалари асосидаги наукометрик ва библиометрик таҳлил, акмеограмма      |

Тадқиқот муаммосининг амалий ҳолатини ўрганиш ва зарурий чоратадбирлар йўналишини белгилаш мақсадида тажриба-синов ишлари тўрт босқичда амалга оширилди ва унинг диагностик харитаси ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишлари 2015-2018 йилларда олиб борилди ва унда олий таълим муассасаларининг 207 нафар раҳбар кадрлари (кафедра мудири, декан, проректорлар) ва 857 нафар педагог кадрлар иштирок этишди. Ўрганиш жараёнларининг аҳамиятли томони 2015 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтган раҳбар ва педагог кадрлар фаолияти 3 йиллик

оралиқдан сүнг қайта таҳлил этилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлик даражаси интеграл диагностик технологиялар воситасида баҳоланди.


Квалиметрик таҳлил натижалари асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг импакт кўрсаткичлари белгиланди. Импакт мониторинг – касбий компетентликни ривожлантириш натижаларининг фаолият самарадорлигига таъсирини ўрганиш, баҳолаш тизими саналади. Тадқиқотларимиз жараёнида компетенцияларни ривожланиш даражасининг касбий фаолият самарадорлигига таъсири импакт мониторинг асосида аникланди. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожланганлик даражасини тажриба-синовигача бўлган ҳамда тажриба-синовидан кейинги ўзлаштишларини статистик таҳлил қилиш мақсадида касбий компетентлик даражасининг динамик ўсиши ифодаловчи жадваллар ҳосил қилинди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида раҳбар кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларидан кейинги касбий компетентлигининг ўртacha самарадорлик даражаси 1.20-1.25 баробарга ошганлигини, яъни олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари 23 % га юқори эканлиги математик статистика усуллари орқали исботланди. Ушбу ўртacha қиймат кўрсаткичларнинг диаграмма кўриниши қуйида келтирилди (4-расм).



**4-расм. Раҳбар кадрлар касбий компетентлигининг самарадорлик даражаси**

Педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларидаги касбий компетентлигининг ривожланиши тажриба боши ва тажриба якунидаги ўзлаштиришга нисбатан қиёсий таҳлил этилганида ўртacha самарадорлик 1.20-1.23 баробарга ошганлигини, яъни олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари 21 % га юқори эканлиги математик статистика усуллари орқали исботланди. Ушбу ўртacha ўзлаштириш қийматининг диаграмма кўриниши қуйида келтирилди (5-расм).



### **5-расм. Педагог кадрлар касбий компетентлигининг ривожланиш даражаси**

Бу эса тажриба гурухларида назорат гурухларига қараганда илмий-педагогик тажрибанинг якуний босқичида респондентларда касбий компетентликни ривожланганлик даражасини ифодаловчи күрсаткичлар асословчи тажриба күрсаткичларидан сифат жиҳатидан кескин фарқ қилишини билдиради. Тадқиқот натижалари олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожланганлик даражалари ва амалиётга жорий этилган ташкилий-бошқарув механизмларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибасинов ишларининг самарали ташкил этилганлигини тасдиқлади.

## **ХУЛОСА**

Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот иши давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш шуни кўрсатди, бугунги таълим тизимидағи халқаролашув ва глобаллашув тенденциялари касбий таълим сифатини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Касбий компетентликни ривожлантириш ўз навбатида, мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи андрагогик, акмеологик ва метакогнитив омилларни тизимлаштириш ҳамда касбий ривожланишнинг акмеологик мезонлари (касбий мотивация, шахсий-касбий сифатлар, ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик, креативлик)ни касбий ривожланиш тизими ва касбий фаолият муҳити билан ўзаро таъсирашувини таъминлаш асосида такомиллаштиришни тақазо этади.

2. Тадқиқот натижалари олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш ва бошқариш стратегияларини белгилаш таълимни модернизациялаш шароитида уларнинг

касбий компетентлиги мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талаблари асосида компетенциялар моделини ишлаб чиқиш самарали ёндашувлардан эканлигини кўрсатди. Тадқиқот натижалари асосида компетенциялар модели ишлаб чиқилди ва унинг кластерли тузилмаси сифатида ижтимоий-ҳукукий, шахсий-рефлексив, коммуникатив (лингвистик), АҚТ, тизимли таҳлил каби компетенциялар кластеридан ташкил топган корпоратив (таянч) компетенциялар ҳамда касбий-педагогик, бошқарув кластеридан иборат бўлган метакасбий компетенциялар белгиланди. Шунингдек, уларнинг аниқ фаолият тури талабларидан келиб чиқувчи хусусий индикаторлар тизими ёритилди. Мазкур модел олий таълим муассасасининг стратегик ривожланиш мақсадларидан келиб чиқкан шахсий-касбий ривожланишнинг индивидуаллик даражасини белгиловчи лидерлик, конфликтларни бошқариш, креативлик, жамоани шакллантириш, лойиҳаларни бошқариш, тизимли таҳлил, оптимал қарорлар қабул қилиш, рефлексивлик, мослашувчанлик, корпоратив маданият каби метакомпетенцияларга алоҳида эътибор қаратилганлиги билан тавсифланади.

3. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларининг эмпирик таҳлили, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида сифат менежментининг илмий ва инновациялар трансфери асосидаги таълим хизматларини диверсификациялашга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди. Илмий-педагогик тажриба натижалари асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилди, унинг самарадорлигини таъминловчи ташкилий-педагогик, технологик шарт-шароитлар аниқлаштирилди.

4. Раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда тизимиликни таъминлаш, замонавий таълим технологиялари ва инновацион ёндашувларни ўзлаштириш асосида касбий компетентлик даражасидан келиб чиқкан ҳолда таълим дастурларини табақалаштириш, муқобил шаклларини ҳамда импакт мониторинг тизимини амалиётга жорий этишнинг ташкилий-бошқарув механизмлари андрагогик таълим талаблари асосида илмий-назарий жиҳатдан асосланди. Импакт мониторинг – касбий компетентликни ривожлантириш натижаларининг фаолият самарадорлигига таъсирини ўрганиш, баҳолаш тизими ҳисобланиб, уни амалиётга жорий этилиши касбий фаолиятнинг сифат таҳлили асосидаги коррекцион ва бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

5. Тадқиқот натижалари асосида «Педагогнинг инновацион фаолияти», «Таълим сифати менежменти» курси мазмуни кейс метод, лойиҳавий таълим, маҳорат дарслари, рефлексив тренинглар, бинар машғулотлар, портфолио, ижодий топшириқлар каби инновацион-интерактив технологияларга асосланган вариатив ахборот-методик таъминотни жорий этиш асосида такомиллаштирилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида юқорида келтирилган инновацион методик таъминотнинг амалиётга жорий этилиши

рахбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали дидактик механизми эканлиги ўз тасдигини топди.

6. Тадқиқот доирасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига анъанавий ва электрон таълим имкониятларининг уйғунлашуви асосидаги аралаш ўқитиш (blended learning) моделини жорий этишнинг ташкилий, педагогик ва технологик механизмлари аниқлаштирилди. Унинг умумтизимий ресурслар мажмуасини: онлайн (LMS) ва оффлайн режимлар асосидаги интерактив-электрон коммуникация, консультатив-тыюторлик хизмати, онлайн назоратлар ва ўзини ўзи баҳолаш (self assessment)дан иборат ахборот-методик таъминоти вакт-контент-натижа бирлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқишига қўйиладиган дидактик талаблар такомиллаштирилди.

7. Раҳбар ва педагог кадрлар касбий компетентлигининг квалиметрик механизмлари компетентлик даражасини баҳолашнинг информацион ва аналитик мезонлари ҳамда унга мос кўрсаткичларини аниқлаштириш орқали интеграл диагностик технологиялар (портфолио, тест синовлари, «assessment centre», эссе, кейс, акмеограмма ва бошқа.) мажмуини ишлаб чиқиши асосида такомиллаштирилди ҳамда тажриба-синовдан ўтказилди.

8. Тадқиқотлар натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнини тасдиқланган малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари га мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш; ўқув жараёнининг норматив-хукуқий ва дидактик таъминотини (малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга қаратилган топшириқлар, битирув ишлари, аттестация натижалари)ни тизимли таҳлил этиб бориш; курсларнинг ўқув жараёни ва тингловчиларнинг ўқув фаолияти натижаларининг тизимли мониторингини юритишига йўналтирилган ўқитиш сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш механизмлари таклиф этилди.

9. Олий таълим муассасаси педагог кадрларининг ўқув, услубий, илмий-тадқиқот йўналишлари бўйича касбий фаолияти натижаларини ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш, педагог кадрлар касбий фаолият натижаларини баҳолашнинг ички рейтинг тизимини импакт мониторинг тизими асосида такомиллаштириш, юқори импакт кўрсаткичларга эришган кадрларни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

10. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари касбий компетентлигини ривожлантириш ва бошқаришнинг истиқбол йўналишларини прогнозлаштиришга хизмат қилувчи илмий тадқиқотлар билан шуғулланувчи Форсайт марказлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш ҳамда унинг натижалари асосида кадрларнинг замонавий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришнинг инновацион методологиясини белгилаш лозим.

## **НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.30.05.2018.Ped.68.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ И**

**СПЕЦИАЛИСТОВ СИСТЕМЫ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ,  
ГОЛОВНОМ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ  
ГОЛОВНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЦЕНТР ПРИ  
МИНИСТЕРСТВЕ ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ**

**МИРСОЛИЕВА МУХАББАТ ТУХТАСИНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУКОВОДЯЩИХ И  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
УЧРЕЖДЕНИЙ**

**13.00.07 – Менеджмент в образовании**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей  
аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за  
№ B2019.1.DSc/Ped9**

Диссертация выполнена в Головном научно-методическом центре при Министерстве высшего и среднего специального образования.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) и Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:**

**Мусурманова Айниса**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Исмадияров Яшин Уткирович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Олимов Каҳрамон Танзилович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «      » 2019 года в        часов на заседании Научного совета DSc.30.05.2018.Ped.68.01 при Институте переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов системы народного образования, Головном научно-методическом центре. (Адрес: 100095, город Ташкент, ул. Зиё, д. 6. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов системы народного образования (зарегистрирована за №      ). (Адрес: 100095, город Ташкент, ул. Зиё, д. 6. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Автореферат диссертации разослан «      » 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №       от «      » 2019 года).

**Н.Х.Рахманкулова**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Д.М.Маматкулов**

Секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор философии (PhD)

**Э.Р.Юзликаева**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире обеспечение качества и конкурентоспособности деятельности высших образовательных учреждений посредством развития профессиональной компетентности кадров является одним из современных тенденций. В содержании концепций Целей устойчивого развития (SDGs) и Европейского пространства высшего образования (EHEA), принятых на 70-й юбилейной сессии Генеральной Ассамблеи ООН, «внедрение образовательной модели основанной на компетенциях (competence-based learning) при подготовке и повышении квалификации кадров, совершенствование механизмов непрерывного развития профессиональных навыков на основе гуманизации образования» определены как одно из стратегических направлений. Это обеспечит интеграцию передовых зарубежных систем развития профессиональных компетенций в процесс управления и образования.

В мире, в системе образования проводятся научные исследования, направленные на совершенствование механизмов развития универсальных компетенций руководящих и педагогических кадров, расширение корпоративного образования и услуг коучинга на основе принципов современного менеджмента качества, создание интеллектуальных информационных систем повышения инновационной активности кадров, прогнозирование системы современных профессиональных компетенций на основе методологии Форсайта. Стратегия исследований по совершенствованию механизмов развития профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений направлена на научно-практическое решение проблем совершенствования механизмов развития профессиональной компетентности кадров на основе акмеологического и компетентностного подходов, модернизации ориентированных на инновационную деятельность форм и методов развития профессиональной компетентности, индивидуализации содержания профессионально-педагогического образования.

В нашей стране особое внимание уделяется проблеме непрерывного развития профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров в процессах повышения качества высшего образования, обеспечения интеграции системы подготовки кадров с приоритетными направлениями развития науки и технологий.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «повышения качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания, стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных

достижений в практику”<sup>7</sup>. Выполнение этих задач требует совершенствования организационно-управленческих, педагогических механизмов развития профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров на основе инновационных подходов в повышении качества профессионального образования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019–2021 годы» от 21 сентября 2018 года № 5544, «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» от 12 июня 2015 года № 4732, постановлениях «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года № ПП-3151, «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года № ПП-3775, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований на тему диссертации<sup>8</sup>.** Научные исследования, посвященные развитию и управлению профессиональной компетенцией руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений, проводятся в ведущих научных центрах и вузах мира, в том числе UNESCO; Seoul national University, Korea Advanced Institute of Science & Technology (Южная Корея); Shanghai Jiao Tong University (SJTU, Китай); Московской школе управления «СКОЛКОВО» (Россия); Stanford Universiy (США); University of Leicester, London Metropolitan University (Англия); University of Peloponnese (Греция).

В научных исследованиях, осуществленных в мире по развитию профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений, получены следующие результаты:

<sup>7</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947. – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017, № 6, ст. 70.

<sup>8</sup> Обзор зарубежных научных исследований на тему диссертации <http://uil.unesco.org/event/international-consultative-meeting-integrated-governance-lifelong-learning>; <http://dgp.uz/>; <https://www.stanford.edu/>; <https://www.timeshighereducation.com/world-university-rankings/kyoto-university>; <https://www.qaa.ac.uk/>; <https://www.bimm.edu.uz/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

создана Концепция развития базовой и профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров на основе информационно-коммуникационных технологий и медиаобразования (Институт ЮНЕСКО по информационным технологиям в образовании); разработан диагностический аппарат для диагностирования нейрокогнитивных особенностей организации дистанционных курсов на основе индивидуальных программ профессионального развития (Seoul national University, Korea Advanced Institute of Science & Technology); разработаны технологии развития навыков оценки интеллектуально-коммуникативных компетенций педагогических кадров на основе научной и творческой ориентированности, а также организации услуг по информационному менеджменту, управлению проектами, консалтингу у руководящих кадров (Shanghai Jiao Tong University); создана система форсайт компетенций на основе прогноза стратегического развития в профессиональных сферах, в частности, менеджменте, социальной и образовательной сферах (Московская школа управления «СКОЛКОВО»); разработана модель управления компетенциями, основанная на интеграции функциональных компетенций, показателей профессиональной деятельности и корпоративных требований (Stanford Universiy); создана методология формирования экосистемы, основанная на интеграции образования и бизнеса развития навыков инновационного менеджмента и предпринимательства руководящих и педагогических кадров в процессах повышения качества образования (University of Leicester, London Metropolitan University); разработано информатизированное программное обеспечение комплексной диагностики и мониторинга социальных и управлческих компетенций руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений (University of Peloponnese, Греция).

В мире проводятся исследования по развитию профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров, в том числе по следующим приоритетным направлениям: совершенствование организационно-управленческих механизмов развития профессиональной компетентности на основе принципов менеджмента общего качества и трансфера инноваций; совершенствование современных педагогических условий развития профессиональной компетентности кадров на основе виртуальных тыторных и менторных программ, модели смешанного (blended learning) образования; разработка программ развития лидерских компетенций у руководящих кадров на основе интеграции индивидуальных способностей с функциональными компетенциями; разработка когнитивных моделей, обоснованных возможностями искусственного интеллекта профессионального развития посредством квалиметрии компетенций; совершенствование информационных механизмов развития и оценки профессиональной компетентности руководящих и педагогических кадров посредством системы переработки (Big data) сведений.

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по повышению качества подготовки кадров в системе высшего образования, информатизации образовательных процессов, развитию профессионального мастерства

педагогических кадров были проведены отечественными учеными: Н.Азизходжаевой, У.Бегимкуловым, Р.Джураевым, Ф.Закировой, У.Иноятовым, Ш.Курбоновым, А.Мусурмановой, Н.Муслимовым, Б.Маъмуроным, Ш.Мардоновым, К.Олимовым, М.Уразовой, Ш.Шариповым, Н.Эгамбердиевой, Е.Юзликаевой<sup>9</sup>.

В научных работах ученых нашей страны Я.Исмадиярова, Ж.Йулдошева, А.Магрупова, М.Сайдова, С.Тургунова, М.Юлдашева<sup>10</sup> особое внимание уделено вопросам менеджмента системы образования, формирования инновационного менеджмента в системе высшего педагогического образования, внедрения механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента, совершенствования менеджмента качества образования в учреждениях повышения квалификации.

Методология развития профессиональной компетентности, педагогико-психологические аспекты, андрагогические принципы и технологии, место акмеологического подхода в деятельности и профессиональном совершенстве личности, менеджмент компетенций, а также концептуальные вопросы профессионального самосовершенствования были изучены учеными стран СНГ: Т.Базаровым, А.Деркач, И.Зимней, Э.Зеером, Н.Кузьминой, Е.Кудрявцевой, А.Марковой, В.Сластениным<sup>11</sup>, а также зарубежными учеными: R.Boyatzis, D.Bartram, A.Maslow, J.Rawen, W.Hutmacher<sup>12</sup>.

Хотя и изучены многими исследователями вопросы развития профессиональной компетентности педагогических кадров высших образовательных учреждений, но специально не исследованы вопросы

